



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШНИНГ ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ ТАВСИФИ (ТЕЗИС)

Нурманов Холбек Раҳматилла ўғли

Тошкент давлат юридик университети "Жиноят қонунчилигини қўллаш низарияси ва амалиёти" йўналиши магистратура босқичи талабаси Gmail:
xolbek.nurmanov123@gmail.com

Аннотация: Ўзгалар мулкини зўрлик ишлатиб талон-торож қилиши туфайли фуқаролар, давлат ва жамиятга миллионлаб зарар етказилмоқда. Шунинг учун бугунги кунда ўзганинг мулкини талон-торож қилиши жиноятларига қарши кураш, уларнинг сабабларини ўрганиши ва бундай жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан одилона жазо тайинлаш, унга қарши кураш ҳозирги кунда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг олдида турган энг долзарб масалалардан биридир.

Калит сўзлар: босқинчилик, талончилик, товламачилик, талон тарож, ўзгалар мулки, зўрлик, обьект, субъект, обьектив томон, субъектив томон.

Талон-торож қилиш – ўзганинг мулкини ўзининг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун, мулкдорга ёки ушбу мулкнинг бошқа эгасига зарар келтириб, қонунга хилоф тарзда ва ҳақ тўламай олиб қўйишдир. Зўрлик – бу ўзбошимчалик билан содир этиладиган хўрловчи, азобловчи, қонунга хилоф харакатлардир. Ўзгалар мулкини талон-тарож қилишнинг умумий обьекти бўлиб, мулкдор ёки мулк эгасининг субъектив мулкий хуқуқларини ва моддий неъматларни тақсимлаш тартибини белгиловчи мулкга доир ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ўзгалар мулкини талон-тарож қилишга қаратилган барча жиноий қилмишлар мулкий муносабатларга тажовуз қилишдан иборат ҳисобланади. Мулкий талон-тарож қилишнинг қўшимча белгиларини тавсифловчи умумий обьектлари давлат ёки жамоат мулки ёхуд хусусий мулкга мансуб бўлган мол-мулкларни ҳар қандай шаклда талон-тарож қилишнинг бевосита обьекти ҳисобланади.

Олимларнинг фикрларида жисмоний дахлсизлик ёки эркинлик ва ҳаёт ёки соғлиқнинг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга ишоранинг йўқлигини зўрлик ишлатиб, тегишли равишда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган ёки хавфли усулда содир этилган талончилик, товламачилик ва босқинчиликнинг обьектлари етарли даражада чукур таҳлил қилинмагани билан изоҳлаш мумкин.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Мулкни зўрлик ишлатиб талон-тарож қилишнинг шакиллари ва турларига тўхтатадиган бўлсак, у қуидагилардан иборат булар:

- Босқинчилик
- Товламачлик
- Талончилиқдан

Гараз мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар орасида босқинчилик ўзининг ижтимоий хавфлилиги даражаси юқорилиги билан ажralиб туради. Мамлакатимизда инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида ҳимоя қилинайотган бир шароитда, жиноятчиликка, айниқса гараз мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларга қарши кураш масаласи ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Босқинчилик хавфли қилмишлардан бири бўлиб, бундай жиноятни содир қилган шахс бирданига қонун билан қўриқланадиган иккита ижтимоий муносабатга, яъни ўзганинг мулкига ва жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қиласди. Босқинчиликнинг муҳим хусусияти шундаки, айбдор мулкни эгаллаш мақсадида, мулк эгасининг ёки мулк учун моддий жавобгар шахснинг ёхуд мулкни талон-торож қилишига тўсқинлик қилган ёки тўсқинлик қилиш мумкин бўлган шахсларнинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш орқали ўзганинг мулкини эгаллашга қаратилган ҳаракатдан иборатdir.

Товламачилик – жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий хуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган хуқуқини беришга мажбур қиласди шароитга солиб қуиши деб тушунсак бўлади. Умуман олганда, товламачилик мулкка қарши гаразли ниятда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан бири ҳисобланади. Товламачилик гаразли мақсадда, мулкка қарши содир этиладиган жиноятлардан бўлиб, у ўзга шахснинг мулкий хуқуқини бузишдан ташқари шахснинг шаъни, қадр-қиммати, жабрланувчининг ҳаёти ва соғлигини хавф остида қолдирадиган тажовуз ҳисобланади. "Товламачиликнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусияти шундаки, у нафакат мулкка, балки мулкчилик манфаатларининг мустақил шакли сифатида намоён бўлувчи бошқа (жумладан, мажбурият юкловчи, мерос бўлиб ўтувчи, уй-жой қаби) мулкий муносабатларга ҳам тажовуз қилишидан иборат".



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Товламачиликнинг ижтимоий хавфли хусусияти унинг, нафакат, мулкка балки мулкий манфаатларнинг мустақил шакли сифатида намоён бўлувчи бошқа мулкий муносабатларга хам тажовуз қилишда намоён бўлади. Масалан, мажбурият юкловчи, мерос бўлиб ўтувчи, уй-жой билан боғлик мулкий муносабатлар.

Талончиликнинг бевосита обьекти ўзганинг мол-мулкини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар ва шу мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ҳисобланади. Аммо, қонунчиликда белгиланишича, талончилик ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик билан ёки шундай зўрликни ишлатиш билан қўрқитиши ёрдамида амалга оширилиши мумкин бўлиб, алоҳида жиноий-ҳуқуқий муҳофаза ҳолларда факултатив обьект жабрланувчининг соғлиги ва дахлсизлиги ҳам бўлиши мумкин. Талончиликнинг предмети бўлиб, айбор ҳақиқий ва фараз қилинган ҳуқуқлар асосида ҳам эгалик қилиши мумкин бўлмаган ўзганинг мулки ҳисобланади. Объектив томондан талончилик ўзганинг мол-мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилишда ифодаланади. Мулкни очиқдан-очиқ талон-торож қилиш усули иккита: обьектив ва субъектив хусусиятларга эга. Очиқдан-очиқ талон-торож қилишнинг обьектив хусусияти айбор томонидан ўзганинг мулкини мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ихтийорида ёхуд муҳофазасида бўлган шахсларнинг, ўзганинг мулки талон-торож қилинаётганлигини англаб турган бегона кишиларнинг кўзи олдида талон-торож қилишда намоён бўлади. Очиқдан-очиқ талон-торож қилишнинг субъектив хусусияти шундаки, талончи ўзганинг мулкини очик-оидин талон-торож қилаётган вақтида ўзининг хатти-харакатлари мулк эгаси томонидан ёхуд мол-мулк тасарруфида бўлган ёки бегона шахслар томонидан кузатиб турилганлигини англайди.

Талон-торож қилиш ўзгалар мулкини ўз фойдаси, бошқа шахслар фойдасига қонун хилоф тарзда ва бепул ўзига қаратиб олишдир. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Махсус қисми тегишли моддаларида кўрсатилган ҳамма жиноятлар қандайдир даражада давлат ёки жамоат манфаатларига ёки фуқароларнинг қонун билан қўриклиданадиган ҳуқуқ ва эркинликларига қандайдир даражада зарар етказади. Шу сабабли мулкни талон-тарож қилишнинг баъзилари содир этилиши натижасида наинки моддий зарар, балки шахсларнинг соғлиғига, руҳиятига, жисмоний дахлстзлигига ҳам маълум даражада зарар етказилиши жиноятларнинг зарурий белгиси ҳисобланади.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Ўзгалар мулкига тажовуз қилувчи ўғрилик, талончилик ва босқинчилик таркиблари объектив томонининг мазмунини ёритиш имконини берувчи мулкни талон-торож қилишнинг асосий муаммолари қаторига, биринчидан, талон-торож қилиш тушунчасининг мазмунини аниқлаш, иккинчидан, талон-торож қилишнинг яширин ва очиқдан-очик, зўрлик ишлатиб ва зўрлик ишлатмасдан, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиги учун хавфли ёки хавфсиз усулда ёхуд у ёки бу турдаги зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган турларини фарқлаш ва таърифлаш киради.

Талон-торож қилишнинг турли шакллари ва турларида тўғри қасднинг мазмuni муаммоси айбнинг мазкур тури белгиларини, биринчидан, талон-торож қилишнинг, босқинчилик ва товламачиликдан ташқари, барча шакллари ва турлари учун умумий бўлган белгиларни, иккинчидан, уни талон-торож қилишнинг, босқинчилик ва товламачиликдан ташқари, ҳар бир айrim шакли ва турига татбиқан индивидуаллаштирувчи белгиларини, учинчидан, босқинчилик жинояти таркибидаги белгиларини аниқлашдан иборатdir.

МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари қонун чиқарувчи органлари, Ўзбекистон Республикаси каби, товламачиликни айнан мулкка қарши жиноят деб тан олиш йўлидан бордилар (Россия, Грузия, Латвия, Украина ва б.). Айrim давлатларда товламачилик таркиби, ўғрилик, талончилик, босқинчилик ва ҳ.к. билан бирга, мулкка қарши жиноятлар тўғрисидаги бобларга киритилган. Масалан, Эстония ЖҚда товламачилик таркиби мулкка қарши бошқа талон-торож қилиш билан боғланган ва уни мазкур жиноят шакларидан бири сифатида тан олинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.1. Mirziyoyev Sh.M., Buyuk kelajagimizni mard va olujanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2017. – 488 b.
- 1.2. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // 01.05.2023 – <https://lex.uz/docs/-6445145>
- 1.3. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 1. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan – Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 441 bet.
- 1.4. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga sharhlar. Umumiy qism/M. Rustambayev. – Toshkent: "Yuridik adabiyotlar publish", 2021. – 784 b.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

- 1.5. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган талон-торож жинояллари. Монография. Масъул мухаррир: ю.ф.н., доц. М.Усмоналиев. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011.
- 1.6. Г.А.Кригер Квалификация хищении социалистического имущества. -М., 1981. с.135; Уголовное право. Часть особенная, М 1968. с. 137.
- 1.7. www.lex.uz
- 1.8. www.sud.uz